

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1886-ҳадис

1886 – وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: «كَانَ خُلُقُ نَبِيِّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْقُرْآنَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ فِي جُمْلَةِ حَدِيثِ طَوِيلٍ [746].

1886. Яна у киши розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Аллоҳнинг набийси соллаллоху алайҳи васаллам хулқлари Қуръон эди», дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Гўёки Аллоҳ таоло: “Эй Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам уммати, сиз ҳам мана пайғамбарингиз каби бўлсангиз нажотга эришасизлар, Қуръонга мана бундай амал қилишингиз керак. Қуръондаги хулқларни яхшисига амал қилмоқчи бўлсангиз, мана Қуръондаги одобларни амалга оширган зотни сийрати сиз учун катта дастур, амалий бажарувчиси”, деган маънода Пайғамбар с.а.в.ни Қуръоний хулқ билан юборди.

Демак, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламга уммат бўлган кишиларнинг хулқлари, одоб-ахлоқлари, юриш-туришлари, сўзлари, қўйинки барча жиҳатда У зотга эргашган бўлиш керак. Тилда Расулуллоҳга иймон келтириб, амалда тескари бўлиб туриш комил мўминлик сифатларидан эмас.

Манба: hadis.islom.uz



